# Таълим муассасаларида “Оталар йиғилиши” ўтказилмоқда

Тадбир иштирокчиларига фарзанд тарбиясида отанинг ўрни, одоб-ахлоқ ва ички тартиб қоидалар, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида намунали хулққа эга бўлган қатор танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг оталарига раҳбар томонидан ташаккурнома ва совғалар топширилди.

Эслатиб ўтамиз, бу каби тадбирлар давлат раҳбарининг вилоятимизга қилган ташрифи давомида берган топшириқлари юзасидан ўтказилмоқда.